

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

**ДИН СОҲАСИДАГИ МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ, ТАЪЛИМ ИШЛАРИНИ ВА
ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЖТИМОИЙ КҮМАК ВА
ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатарларидан ҳимоя қилиш бўйича мурожаати ва бир қатор жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб, мамлакатимизда ижтимоий-маҷнавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатлари олдини олишга каратилган чора-тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, мутасадди ва даҳлдор жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган Дин соҳасидаги маҷнавий-маҶрифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури (1-илова^{*}) маъқуллансин. Тегишли давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан Дастурни бажарилишига етарлича кўмак ва ёрдам берилсин.

* 1-илова берилмайди.

2. Дастурдаги тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг таркиби 2-иловага^{*} мувофиқ маъқуллансин.

* 2-илова берилмайди.

Олдинги таҳрирга қаранг.

(2-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 августдаги ПҚ-938-сонли қарорига асосан чиқарилган)

3. Диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизматлар) учун олинадиган тўловларни ишлаб чиқариш корхонаси даражаси ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган миқдорда белгилаш ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини қондириш юзасидан 10 кун муддат ичидан Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинсин.

Бунинг натижасида ҳосил бўлган ва бошқа хайрия маблағларини мазкур жамғарма ҳисобига ўтказиш, уни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидағи масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий базасини мустаҳкамлаш, уларга замонавий шарт-шароит яратиш, ўқитувчи-мударрис ва имом-хатибларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфланиши назарда тутилсин.

4. Маданий мерос обьекти сифатида давлат рўйхатига олинган диний обидалар (3-илова) белгиланган тартибда жойлардаги Маданий ёдгорликларни саклаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилсин ҳамда тўпланадиган хайрия маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатилсин.

5. Ислом маҳади ва ўрта маҳсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёrlарига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларирига бериладиган дипломлар давлат таълим хужжати сифатида эътироф этилсин ҳамда ана шу хужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқиши давом эттириш хуқуқи берилсин.

6. Матбуот ва ахборот агентлиги (Р. Шоғуломов), «Ўзтелерадио» компанияси (А. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқулов), республика оммавий ахборот воситаларирига Дин соҳасидаги маҷнавий-маҶрифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг моҳияти ва ижросини ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов ва Баш вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 22 август,
364-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил
22 авгуустдаги 364-сон қарорига
3-ИЛОВА

Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган «Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари» асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилा�ётган зиёратгоҳлар

№	Зиёратгоҳ номи	Манзили
1.	«Имом Бухорий» мажмуаси	Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хўжа Исмоил қишлоғи
2.	«Ҳаким Термизий» зиёратгоҳи	Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Кўхна Термиз қишлоғи
3.	«Абу Исо Термизий» мақбараси	Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, У.Туропов жамоа хўжалиги
4.	«Имом Мотуридий» зиёратгоҳи	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Чокардиза қабристони
5.	«Шоҳи Зинда» мажмуаси	Самарқанд вилояти, Сиёб тумани, Усто Умар Жўрақулов кўчаси
6.	«Соҳиби Ҳидоя шаҳристони» зиёратгоҳи	Фарғона вилояти, Риштон тумани, Чин нигорон маҳалласи
7.	«Қосим Шайх» мажмуаси	Навоий вилояти, Кармана тумани, Кармана кўчаси
8.	«Чил устун» ва «Кўк гумбаз» масжидлари	Навоий вилояти, Нурота шаҳри
9.	«Хўжа Жарроҳ» зиёратгоҳи	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Худойзод маҳалласи
10.	«Дорус-Сиёдат» меъморий мажмуаси	Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри
11.	«Шайх Хованди Тоҳур» мажмуаси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур тор кўчаси
12.	«Такия ота» зиёратгоҳи	Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани, Такия-ота маҳалласи
13.	«Сўфи Оллоёр» зиёратгоҳи	Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Катта Вахшивор қишлоғи
14.	«Зангиота» мажмуаси	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота қишлоғи
15.	«Пахлавон Маҳмуд» зиёратгоҳи	Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Ичон қалъа мажмуаси